10 598
Палата УзССР

ЭНГ ҚАДИМИЙ, ЭНГ МИЛЛИЙ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 21 март шанба

Сотувда эркин нархда № 60 (1841)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ КЕЛИШИ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада нақд хорижий валюта муомаласининг амалдаги тартибини такомиллаштириш ва ташқи алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида:

1. 1998 йил 1 апрелдан бошлаб республикадан ташқарига нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

резидентларга — 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда;

норезидентларга — божхонага тақдим этилган декларацияга мувофиқ республикага келтирилган валюта миқдорида.

Кўрсатилган миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки хорижий валюта билан операцияларни ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларнинг рухсати билан йўл қўйилади.

2. Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларига 1998 йил 1 апрелдан бошлаб белгиланган тартибда божхона декларацияларини тўлдириш шарти билан 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда нақд хорижий валютани республикага эркин олиб келишига рухсат этилсин.

Нақд хорижий валюта белгиланган миқдордан ортиқ олиб келинган тақдирда унинг 10 минг АҚШ долларидан зиёд қисмидан 1 фоиз миқдорида бож тўлови олинади.

3. Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюта билан операция ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларига жисмоний шахсларга ҳисоб рақамлари ва омонатга қўйилган нақд хорижий валютасини олган тақдирда, шунингдек, хизмат сафари харажатлари учун республикадан хорижий валютани олиб кетиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни беришга рухсат этилсин.

4. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига махсус кассалар очиб, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига халқаро йўловчиларни ташишга эркин алмаштириладиган валютага билет сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан биргаликда авиация транспортида республика ҳудуди орқали ўтадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун божхона декларациясига мувофиқ, қўшимча ҳужжат ва маълумотномалар талаб қилмай, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда нақд хорижий валютани олиб келиш ва олиб кетиш устидан назоратнинг соддалаштирилган тартибини ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги "Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида"ги Фармонининг 3-банди бекор қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги амалдаги идоравий меъёрий ҳужжат ва йўриқномаларни уч кун муддатда ушбу Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ў.Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 20 март.

УМИД ВА СОҒИНЧДИР АСЛИДА НАВРЎЗ

(Публицистика)

Ёшимизга ёш, ақлимизга ақл қўшилган сайин Наврўз меҳр ва оқибат, илиқлик ва уйғониш, умид ва соғинч айёми эканлигига тобора имон келтирмоқдамиз.

Қаранг, ўнинчи оқ ғалтакнинг ипидек нозик бандли бойчечак намунча қорларни ёриб қуёшга талпинмаса! Намунча кунгай жойлардаги момоқаймоқлар потирлаб очилмаса! Кўкрак патлари ҳурпайган мусичалар жуфтлари атрофида гирдикапалак бўлиб қолишди. Улар гоҳ қанотларини ерга текизиб доира чизишади, гоҳ бўғотдаги уяга хас-чўп ташишади. Йўл четларидаги мирзатераклар аллақачон кучала ташлади. Қизалоқлар Каттақўрғон узумининг майизидек бўртмиш толчивиқдан узун-қисқа сочбарғаклар тақишди.

Тонг кезлари уфқ бирам гўзал , бирам сулув бўладики, беихтиёр оёғинг учида кўтарилиб унинг юзидан «чўлп» этиб ўпиб олгинг келади. Тунов куни сичқонқулоқ бўлиб бўртган ялпизлар бугун манаман дея кўзга ташланди. Хинали қўл эгалари уватлардаги хас-хашак орасидан уларни топиб лаган-лаган чучваралар тугишди. Туни билан ер ўчоқларда олов ловуллайди. Сумалак қайнаётган қозон атрофидаги хотин-халажнинг қўлларида чилдирмаю чанқовуз. Опасига эргашган тойчоқлар лапарлар мазмунига тушуниб-тушунмай кўзлари юмилиб кетади. «Овсинжон, келиним нуқул қиз туғади, дея сира ичингиз чидамайди. Ҳалимангиз ўзини бирпас шу ўчоққа тобласин. Худо хоҳласа янаги Наврўзгача қўчқордай ўғилли бўлади... Сумалакнинг ўзи-ку ўзи, ҳатто у қайнаган ўчоқнинг тафти ҳам минг дардга даво эмиш».

(Давоми 2-бетда).



Сурнай чалаётир бугун
бойчечак,
Элимнинг тўйига чорлаб
ҳаммани.
Тиниқ қўшиқларни айтган
келинчак —
Баҳор уйғотмоқда бутун
дунёни.

Бокира майсани титроққа
солиб,
Хушчирой юртимда наволар
кезар.
Шодон чиқиб келар тўёна
билан,
Кўнгуллар боғидан гул терган
қизлар.

Дулдулдай чопқиллаб ўтди-да
феврал,
Айтувчилик қилар чавандоз
еллар.
Чорловлар чертади
даричаларни:
«Юринглар-ов, Тўйга
юрингла-а-ар»

Тўлқинбек КАРИМОВ
олган суратлар.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида "Ўзбекистон-Озарбойжон" дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги алоқалар ўзининг тарихий илдизларига эга. Дини, тили ва урф-одатлари муштарак бўлган икки мамлакат халқларининг дўстона алоқалари мустақиллик шароитида янада ривожланиб бораётир. "Ўзбекистон-Озарбойжон" дўстлик жамиятининг ташкил топиши ҳам ана шу ришталарнинг бундан-да мустаҳкамланишида муҳим омил бўлади.

Таъсис мажлисида "Ўзбекистон - Озарбойжон" дўстлик жамияти ташаббускор гуруҳи аъзолари, олий ўқув юртлари мутахассислари, фан ва маданият арбоблари, Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мажлисда жамиятнинг бошқарув органлари сайланиб, жамият Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов мазкур дўстлик жамияти раиси этиб сайланди.

"Ўзбекистон-Озарбойжон" дўстлик жамияти таъсис мажлисида Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ойдин Азимбеков иштирок этди.

(ЎзА)

ШИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ СОАТ

ЖУМА ХАБАРЛАРИ

• РЕПОРТАЖ

НАВРЎЗ СУВРАТИНИ ЧИЗАЯПМАН

Бугун ҳар ким хижил кайфиятга, ҳорғин ҳолатга тушишдан эҳтиёт бўлади. Ҳатто болалар ҳам.

Эрталаб. Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги қаршисидаги кенг майдон — асфальтга болалар турли хил суратлар чизишяпти. Мана — Қуёш. Бу — Ер. Бу эса... гул. Бу-чи?

— Бу Наврўзнинг суврати, — дейди Саша.

— Бу эса баҳорги боғ, — жавоб беради Темур.

— Наврўз қандай байрам?

— Энг яхши байрам. Қўшниларимиз бугун бизга сумалак олиб чиқишади, — дейди Коля.

— Яна-чи, энг яхши суврат учун боғча опамиз бизга совға беради, — дейди Жавоҳир.

Бугун тумандаги 476-«Полвонжон» болалар боғчасида кун шундай бошланди.

• ЯНГИ НАШР

АЙЁМ АРАФАСИДА

Мамлакатимиз спорти ҳаётида яна бир воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси теннис федерацияси ва Республика теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси муассислигида «Tennis+» газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди.

Энди дунёнинг машҳур теннисчилари Пит Сампрас, Петр Корда, Евгений Кафельников, Алекс Корретха ҳамда ўзимизнинг таниқли ракеткачиларимиз ҳақида мухлислар мунтазам равишда қизиқарли маълумотларга эга бўлиб борадилар.

• КАСБДОШЛАР ҚУТЛАЙДИ

Ўлкамизда Наврўз кезмоқда. Ризқу насиба, тириклик, мангулик тимсолидаги улуғ айёмимизга эзгу тилаклар билан пешвоз чиқаяпмиз. Еримиз қуёшга боғир очмоқда. Она заминда майсалар униб чиқди. Яшариш, кўкариш фасли бошланди. Наврўз дилимизга яна бир бора чарағонлик жо этди. Бугун кардош ҳамкасбларимизнинг юрак сўзларини азиз ўқувчиларимизга илиндик.

Валихон ҚОЛИЖОН, «Егэмэн Қазақстан» газетаси Бош муҳаррири (Қозоғистон):

— Ўзбек халқини улуғ айём — Наврўз билан қутлайман. Элларимиз орасидаги узоқ асрлардан бери боғланган қон-қардошлик ришталари ҳеч қачон узилмасин. Ўзаро бародарлик туйғулари янада чуқур илдиз отсин. Самимий дўстлигимизга кўз тегмасин. Тарихни халқ яратади. Ўзбек ва қозоқ халқи ўртасидаги боғлиқлик мангудир. Биз бугун А. Навоийни, А.Қодирийни, А. Қаҳҳорни севиб мутолаа қиламиз. Маданиятимиз, маънавиятимиз чироқлари ҳар доим йўлимизни мангу ёритиб турсин. Бизнинг ўтмишимизни ҳеч қачон бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Халқларимизнинг янада яқинлашуви учун биз — қалам аҳли ҳар доим фидойилик қилишимиз керак. Йўлларимиз туташ, дилларимиз туташ, мақсадларимиз муштаракдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги журналист дўстларимни ҳам Наврўз байрами билан қутлайман. Ва уларни боғир очиб юртимизга чорлайман.

Шерназар ШУКУРОВ, «Қирғиз туусу» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари (Қирғизистон):

— Мана, йиллар ўтиб Наврўзимиз яна тикланди. Янги йил байрами сифатида тан олинди. Биз бирбирини англаган, тушунган халқмиз. Биз — туркий миллатмиз. Яхши бир гап бор, эсласам, кўнглим тоғдай кўтарилади. Кучимга куч қўшилади, қувватим ошади, ўзимни тетик ҳис қиламан. Ёлғиз эмаслигимни англайман. Бу-шундай гап: қирғиз бобом, қозоқ қардошим, қорақалпоқ қариндошим, уйғур уйдошим, тожик тақдирдошим, ўзбек — ўз элим, деган. Илоё, шу тушунча абадий ва мангу яшасин. Бизни доимо бир-биримизга боғлаб турсин. Наврўз айёми чоғида шу тилак кўнглимдан кечаяпти.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни Қўчқор НОРҚОБИЛ кузатди.

САБОҚ ВА ВАЗИФАЛАР

Кадрлар — жамият таянчи. Барча даврларда жамиятларнинг гуллаб-яшнаши ва равнақи кадрларнинг савиясига узвий боғлиқ бўлиб келган.

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, замонавий кадрларни тарбиялаб етиштириш — давлат аҳамиятига эга энг муҳим вазифалар сирасига кўтарилди. Ўтган 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» қабул қилинди. Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамолиги билан тайёрланган бу стратегик ҳужжат Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, таянчи бўлган баркамол авлодларни тарбиялаб етиштиришни тамомила янги, юксак довонга кўтаради. Ҳозир ана шу ҳужжатда қўйилган улкан вазифаларни ҳаётда амалга ошириш борасида бутун мамлакат миқёсида кенг кўламли тадбирлар кўрилмоқда.

Шу йилнинг 25 февралида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан қилинган кенг қамровли маърузада, жумладан, ўтган 1997 йилда халқ хўжалигининг асос жабҳалари билан бир қаторда фан билан бевосита боғлиқ бўлган соҳалар — автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехника саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби иқтисодиётнинг салмоқли турлари сезиларли ривожланганлиги таъкидланди. Шуни айтиш керакки, бу соҳаларда замонавий билимли, малакали минглаб янги кадрлар фаолият кўрсатмоқда.

Кадрлар тарбиясида мустақиллик биз учун янги уфқлар очди. Жумладан, халқимизнинг янги авлодлари бугун жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида, энг нуфузли ўқув юртларида таълим-тарбия олмоқдалар. Жумладан, фақат ўтган йилнинг ўзида «Умид» жамғармаси ташкил этган танловларда ғолиб чиққан юзлаб иқтидорли йигит-қизларга давлат ҳисобидан хорижнинг довруқли ўқув юртларида таълим олиш учун йўлланмалар берилди.

Янги ташкил этилган «Устоз» жамоатчилик жамғармаси эса олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини хорижда қайта тайёргарликдан ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Президент Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш масаласига яна бир карра алоҳида тўхталдилар. Бу — жамият олдида турган, бажарилиши узоқ муддатга мўлжалланган улкан вазифалардан биридир. Бироқ бу узоқ муддатлилик зинҳор ва зинҳор боқибеғамликка берилишга асос бўла олмайди. Юртбошимизнинг маърузасида айтилганидек, 1998 йилда, энг аввал **умумий ўрта ва махсус таълим ислоҳотига** киришишдан ишни бошлаш керак. Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарор бу жабҳадаги амалий ишларга кенг йўл очади.

Биз бозор иқтисодиёти, жумладан, меҳнат бозори шароитида яшаяпмиз. Бундай бозор рақобатни юзага келтиради, эгалланаётган касб-ҳунарлар бўйича етук малакали кадрларгина рақобат шароитида ўзига йўл топа олади. Президентимиз касб-ҳунар таълимини амалга оширишда минтақаларнинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожи, жуғрофий ва демографик ҳолатларини ҳисобга олишни энг муҳим мезонлар, деб баҳолади. Шундай қилинса, кадрлар тайёрлашда палапартишликнинг олди олинади ва меҳнат бозори ҳам тартибли бўлади.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг 67 фоизи қишлоқларда яшайди. Шу боисдан қишлоқлардаги ислоҳотнинг мувафаққияти кўп нарсани ҳал қилади. Қишлоқдаги ислоҳотларни нимадан бошлаш керак, деган масалага кўпчиликнинг эътиборини қаратиб, бунда ҳам Президентимиз **далада тер тўкаётган кишиларнинг тафаккурини ўзгартириш** бош муаммо эканлигини айтдилар. Демак яна кадрлар савияси масаласи ҳал қилувчи омил эканлиги таъкидланади. Чиндан ҳам, бугунги қишлоқ кишиси бевосита ерда, боғда, сабзовот пайкалларида, чорва фермаларида ишлашнинг ҳаддини олган бўлишдан ташқари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кейинги пайтда ишлаб чиқилган қонунларни атрофлича ўзлаштириши, меҳнат шартномаларининг аҳамиятини чуқур тушуниши, пай, оила пудрати, хўжалик ҳисоби, талбиркорлик, қимматли қоғозлар фойдасини яхши англаши зарур. Меҳнатга бундай юксак, онгли муносабатга эришилмас экан, қишлоқ кишиси ҳозирги замон деҳқони, фермери даражасида иш юрита олмаслиги ва меҳнатидан ҳам қаноатланарли самара топмаслиги мумкин.

Яна бир масала. Президентимиз ўз маърузаларида экспорт муаммоларини ҳам кенг таҳлил этдилар. Бу соҳада ютуқлар йўқ эмас. Кейинги йилларда пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон четга тармоқ маҳсулотлари — калава, бензин, автомобиль сотишни ҳам йўлга қўйиб, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгалламоқда. **Экспорт соҳасидаги ютуқларда ҳам меҳнатга онгли муносабатнинг нишоналарини** кўриш мумкин. Яна нималарни экспорт қилишимиз мумкин, деган иқтисодий салмоқли тафаккургина бизнинг жаҳон бозоридаги маҳсулотларимиз хилини кўпайтиришга олиб келади. Масалан, чорвачилик, мева-сабзоватчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз маҳсулотлари эвазига мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтирса бўлади. Ахир Хитойда қовун-тарвузлардан ширин-шакар конфетлар тайёрланиб, четга чиқарилаяпти-ку?! Биздаги қовун-тарвузларнинг болдай мазаси жаҳонда талаш бўлиб кетадиган қандолатчилик маҳсулотларини чиқаришга имконият беради. Фақат бунинг учун қишлоқда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат ривожланиши, бундай корхоналарни бунёд этиб, уни моҳирона бошқарадиган кадрлар кўпаймоғи керак. Бунинг устига, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги кадрларда хорижий мамлакатлар билан муомала қила олиш қобилияти ривожланиши, тафаккури маркетинг тадқиқотларига мойил бўлиши, жаҳон бозори эҳтиёжи ва талабларини дадил ўрганиши, ўз имкониятларини кенгайтириши талаб қилинади.

Кадрларнинг ҳуқуқий билимдонлиги ҳам давр талабидир. Айниқса ҳуқуқий давлат шароитида фуқаронинг ҳуқуқий билимдон бўлиши бош ижтимоий мезонга айланади. Ҳуқуқий қонун-қоидалар, меъёрларнинг жамиятда амал қилиши ҳали кўнгилдагидек эмаслиги мамлакатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таассуф билан қайд қилинди. Айниқса, айрим қонун посбонларининг ўзи, гоҳида қонунбузарлик, порахўрлик, коррупция томон тойиб кетаётганликлари кечирилмас ҳолдир. Маърузада айтилганидек, **«Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўкади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади».** Шу боисдан бу соҳа кадрларига бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Юртбошимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини, уларнинг ўз вазифаларига қай даражада муносиблигини текшириб кўриш мақсадида, **«мунтазам равишда аттестация ўтказилиб турилиши зарурлигини»** таъкидладилар.

Хуллас, кадрлар — мамлакат ривожининг бош омили. Уларни тарбиялаш, Ўзбекистонни замонамизга муносиб маънавий баркамол, илмий-амалий етук кадрлар мамлакатига айлантириш келгуси тараққиётимизнинг таркибий, ҳал қилувчи ва ҳамиша муҳим вазифаларидандир

Михли САФАРОВ.

ЭНГ СЕВИМЛИ

ХОСИЯТЛИ КУН ЎЙЛАРИ

Наврўз бизнинг кўзимизга, кўнглимизга қачон кириб келди? Уни биз қачон билдик? Қачон танидик? Тўқсондан ошсалар-да, ҳали сўзлари кескир, қаддилари тетик, қадамлари ўктам Санам момом шундай хотирлайдилар:

— Бизнинг болалик кезларда бундай кун Йилбоши дейилгич эди. Қишлоқ ичидаги мачит ҳовлисида тумонат одам тўпланарди. Аёллар уйларида ош, ширгурунч, гўжа пиширириб шу ерга олиб келардилар. Таомлар оз-оздан ҳаммага тақсимланарди. Уйларида касал ётганлар ҳам шу куни бирма-бир йўқланарди. Тушдан кейин эса қабристон атрофлари, қишлоқ ичидаги ариқлар ҳашар қилиб тозаланарди. Далада ишловчи эркаклар омоч, бўйинтуруқ, мола, плугларни созлаб, тахт қилишар, ҳўкизлар шохини мойлашарди. Шу куни оқсоқоллар маслаҳати билан ерга уруғ сочиларди. Тозалик, покликдан атроф яшнаб кетарди. Эҳ, қай бирини айтай, болам. Наврўзимизнинг садағаси кетай...

Момомнинг кўзлари тубида бир ўт ёнади. Мендан нималарнидир яшираётгандай ёки атайлаб айтмаётгандек туюлади. Ўзига ўхшаш қирқокилли қизлар билан қимтина-қимтина сайилга чиққанида биринчи бора бўзйигит билан учрашгани, кейинги Наврўзда шу йигит билан тақдирлари бирлашгани, тўнғич қизларининг исмини Наврўза қўйганлари, сўнг иккиси бир умр бир-бирини аяб-ардоқлаб яшаганлари... Эҳ-ҳе, мен буларнинг барисини илгари эшитганман!

Қай бир йили Наврўзтепамиз этакларида жуда катта сайил уюштирилди. Қизлару келинлар, кайвони момолар, чоллару ўғиллар, ҳаммалари давра-давра. Бу ёнда аския, лапар, салом-салому, ёр-ёрлар. У ёнда кураш, тортишмачоқ, отўйин, қизқувди беллашувлари. Кексалар чордона қурган ўтлоқда суҳбат айниқса қизиди. Кўпчилик шу даврага кўз тикди. Боболар «Наврўз қандайин байрам?» деб бир-бировлари билан баҳс юритардилар. Жумбоғу-ривоятлар айтишарди. Мен бу суҳбатни тинглаб, ёдимда қолгани шу бўлди, эшитинг:

Ҳасанбек бобо (75 ёшда):

— Наврўз ҳунарлиларнинг байрами, азизларим. Негаки, ҳунарли одам ҳеч вақт доғда қолган эмас. Бир ривоят айтайин. Шундай муборак кунлар арафасида — лойдан турли буюмлар ясаб кун кечирадиган бир йигит ғалат туш кўрибди. Тушида Азроил келиб, «Тонг отиши билан сенинг жонингни оламан!» деп-ти. Йигит уйғониб, тушини эслаб, куюнибди. Ва вақт ғаниматлигини сезиб, дарров лой пишитибди. Худди ўзига ўхшаган тўққизта ҳайкаллар ясабди. Тонгга яқин уларни қуритиб, ҳовлига қатор қилиб терибди. Ҳайкаллар ўртасига ўзиям туриб олибди. Тонгда Азроил келсаки, бир йигит ўрнига ўн йигит қад кериб турганмиш! Биринг бошига мушт туширган экан, чангиб, майда-майда бўлиб кетибди. Иккинчиси, учинчисида ҳам шу аҳвол юз берибди. Ахийри Азроил ўзининг нўноқлигидан жаҳлланиб, «бу ҳовлига энди қадам қўймаганим бўлсин!» дея жўнаб қолган экан. Ҳунарнинг мўъжизасини қаранг!

Султон бобо (72 ёшда):

— Менга қолса Наврўзни деҳқоннинг байрами деган бўлардим. Чунки деҳқоннинг бойлиги, қувончи — ер, дала. Бир қишлоқда иккита бой яшар экан. Бирини Тиллоли бой, иккинчисини Ғаллали бой дейишаркан. Тиллоли бой жуда димоғдор, «буғдой-арпа ҳам бойлик бўладими?» деб иккинчи бойни ҳеч назар-писанд қилмас экан. Фалакнинг гардиши билан бир йил қурғоқчилик бўлиб, ҳосил камайиб кетибди. Шунда Тиллоли бой Ғаллали бойга бош эгиб, барча олтинлари эвазига дондун сўраб, ялиниб-ёлворишга мажбур бўлган экан. «Палов иссиқми, олов? Тилло яхшими, ғалла?» деган ҳазил-ҳузул гаплар ўша вақтлардан қолган экан-да...

Пўлат бобо (81 ёшда):

— Улуғларимиз ҳамални қутлуғ ой, умид ойи деб айтиб кетишган. Яшамоқдан умиди бўлмаган одам тирик одам эмас-да. Манави ривоятни эшитинглар. Бир ўтинчи чол бўлган экан. Жуда қарибчуриган, ёшини ўзиям аниқ билмас экан. Шу чол бир куни тоғдан ўтин олиб келаётиб чарчабди. Дам олиб ўтириб, пешонасига «шап» этиб урибди. «Жуда ҳоридим-ей, шуям ҳаёт бўлдими? Югур-югур, қимир-қимир... Агар Азроил келса жонимни қўшқўллаб топширар эдим!» Шу заҳоти Азроил пайдо бўлиб, «жонинг менга керак!» депти. Шунда чол ирғиб туриб, «у, ҳазиллашувдим. Қани, ўтинимни кўтаришиб юбор, тез бормасам, кампирим уришади» дея орқа-ўнгига қарамасдан югуриб кетган экан. Кишида умид бўлгани яхши, азизларим.

Самад бобо (73 ёшда):

— Меҳнат билан боғлананди асли Йилбошимиз. Йигитлик чоғимизда кексалар: «дарахт экканмисан, ариқ қазганмисан, мол боққанмисан, ер ҳайдаб, экин экканмисан?» деб бизни синаб, сўроққа тутишардик. Шу синовлардан ўтайлик деб, ҳар юмушни эпламоққа уриниб кўрардик. Йилбоши куни ўтказиладиган «Қўшчи оши», «Биринчи қўш», «Биринчи пушта» маросимларида кўзга кўриниб қолайлик, кексаларнинг назарига тушайлик, деб биз бўзйигитлар минг ўлиб-тирилардик. «Шу кайвони момо дуо қилсаю, менинг ҳам ишим ўнгланиб, йўлим очилса» деб уларга мўлтар бўлардик. Ахир, кексаларнинг дуосида гап кўп-да, биродарлар. Келинглар, биз ҳам манави қоракўз чироқларимизни, ортимизда қолар ўғилларимизни бир дуо қилайлик, омадини берсин, олсину-олдирмасин, илоҳи омин!

...Суҳбат узоқ давом этди. Ниҳояси яхши тилакларга бориб уланди. Қуёш тиккага келди. Ҳавода чечаклар иси анқиди. Бу қадрдон, хуш ис тириклик ҳосиласи янглиғ-қишдан толиққан вужудларга мадад берди. Вужудларга ороийшу-осойиш қайтди, кўнгиллар тозарди, руҳ янгиланди. Шунда ҳазрат Бобурнинг боқий сатрлари хаёлимдан кечди:

Юзу Наврўзию васли ийдни, Бобур ғаниматт тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз Наврўз байрамлар!

Кўнгилда эса Наврўзий бир даъват: «Оламда неки ёруғ ранг, неки ёруғ туйғу бўлса — сен шуларнинг бариси! Қадаминг қутлуғ келган бўлсин, Янги Кун! Жамики яхшиликлар, эзгуликлар сенга йўлдош бўлғай, иншооллоҳ...»

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

СУЮНЧИЛАР СОЧИЛСИН

Оламда сирли қўшиқ,
рақс этар дунёи дун,
Бир-бирига қўйлар-ла,
тенглашади Куну Тун,
Балки дунё бир камдир,
шу кунда шодлик бутун
Суюнчилар сочилсин,
Наврўзи олам бугун!

Суюнчига момолар
сандиқларин очади,
Бола-бақра сўз бермай,
қир бағрига қочади,
Уларнинг йўлларига чечаклар
мушк сочади,
Қалдирғоч тумшуғида
қўшиқлар тугун-тугун,
Сумалакка дон олинг,
Наврўзи олам бугун!

Муборак келсин энди янги
туну кундузлар,
Порлайверсин элимнинг
манглайида юлдузлар,
Ёруғ бўлсин озодлик нури
йўғрилган юзлар.
Хуш калом қутловлару
табриклар узун-узун,
Озод диёримизда Наврўзи
олам бугун!

Бойчечак боши узра бир
томчи шабнам билан,
Тоғ бағрида ирмоқлар
мусаффо зам-зам билан,
Турналар бир сафда-ю,
қўш лайлак там-там билан.
Оламни қутлаб турар,
борлиқнинг рўйи гулгун
Азизлар қутлуғ бўлсин,
Наврўзи айём бугун!

Ҳамро Бону МУСУРМОНОВА.

УМИД ВА СОҒИНЧДИР АСЛИДА НАВРЎЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Боғлар гир айланиб ўйинга тушаётган оқ кўйлакли раққосаларни эслатади. Болаларнинг бир маромдаги гувраниши эса кишини тузуккина элитиб қўяди. Қиру даштлар қуштилидан беқасам тўнлар кийган. Субҳичоқ кезлари булоқ бўйларини каклигу беданалар тутиб кетади. Кўзичоқлар тиззаларини букиб тирсиллаган елинлардан майсалар ҳиди гуркираган сутни эмишади.

Сизга Гулистон бозорида пайғамбар ёшидаги бир отахоннинг жуда пўрим кийинган йигит билан гап талашганини сўзлаб бермоқчи эдим. Уларнинг даҳанаки мулоқотини эшитиб қўлимни елим халта қийса ҳам турган жойимдан кетолмай қолибман. Йигитнинг қаватида сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринадиган бежирим бир санам ҳам бор эди. Йигитнинг юз пайлари, бурун парраклари пир-пир учиб унинг бениҳоя ғазабидан дарак берарди.

— Уччаласига минг сўм десам кўнмадингиз, икки минг сўм дедим тескари қарадингиз. Сизда ўзи инсоф борми? Ёки уни ҳам молингизга қўшиб сотиб юборганмисиз?

— Айтдим-ку бу матоҳ сотилмайди деб... Мана ёнғоқ, майиз бор. Нархини арзон қилиб берай! Намунча бойчечакка чаккамуғдай ёпишмасанг...

Ана шунда кўзим сояки майиз ёнидаги пиёлага тушди. Унда уч дона сўлиброқ қолган бойчечак бор эди. Ҳангома талаблар гоҳ пиёлага, гоҳ қарияга, гоҳ бармоқларида тилла узук ярақлаган йигитга қарашарди. Унинг ёнидаги қиз эса нимадандир хижолат чекар, йигитни бу ердан кетишга ундарди.

— Сиз кексалар инсофу диёнат тўғрисида соатлаб насиҳат қиласизлар, ўзларингиз эса... Мана сиз сира инсоф ли тарзда қўл силкитди. Отахон ҳам мисоли ёш болалардек икки қўлини беўхшовлик билан кўтариб қиз билан хайр-хушлашди.

Бу воқеани ёзиш-ёзмаслик ҳақида анча ўйладим. Ёзсам айримлар «фу, ғирт тўқима-ку » дея лаб буришлари мумкин. Ёзмасам ҳаққим кетадигандек, икки қўлини беўхшовлик билан кўтариб қиз билан хайрлашган чолга ҳурматсизлик қилгандек бўлавердим...

...Кесилган токлардан косага чаккилаб томчилар томмоқда. Эмишки, ток сувлари фаранги соч мойларидан ҳам аълороқ эмиш. Ток сувига чайилган зулфлардан тунлари жаннат иси келармиш.

Юлдузлар бирам ёруғ, бирам кўркам чарақламоқдаки, ҳовлидан уйга киргинг келмайди. Анҳор ва ариқ бўйларида ялпизлар ҳиди гуркираб кетди. Қуёш кун сайин, соат сайин кўк тоқига яқинлашиб бормоқда. Наврўз табиатидаги жами дов-дарахтга яшил либослар улашиб чиқмоқда. Дарёлар ҳадемай сувга тўлиб оқади. Наврўз айёмида қўш карнайли тўйлар бўлади. Ёр-ёрлар юракларни титратиб юборади. Мўйлови эндигина сабза урган йигитлар бир жойда ўтиролмай типирчилаб қолишади. Бўй етган қизлар тошойна олдида ўзларини ўзлари кўрикдан ўтказишади. Ёр-ёрларни эшитиб бўз болалар келинкуёв тушган темир аравалар йўлига арқонлар тутишади.

Наврўз ана шундай улуғ кунларнинг улуғ дебочасидир. Юртимизда ғалла мўл бўлади. Пахтамиз кўнглимиз сурати бўлиб дўстлар кўзини қувнатади. Боғларимиз ширин-шарбат меваларини ҳеч кимдан дариғ тутмайди. Ҳар кеч қуёш қизариб ботади. Демак, эртамиз янада ойдин, янада гўзал бўлажак.

Юртга тўкинлик нафасини уфурган, сурувларни қўзилар билан тўлдирган, буғдой майсаларини қуёш қучоғи сари етаклаган Наврўзнинг кўрк ва саховати асло тугамайди. У япроқдаги шабнам бўлиб, уфқдаги найкамалак бўлиб, косадаги қуюқ сумалак бўлиб, юрагимиздаги умид ва қувонч бўлиб биз билан бир умр— абадул-абад яшайди.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАВОДА КЕЗАДИ ЧЕЧАКЛАР ИСИ

Деҳқон дала оралади. Нам тупроқни кафтига олиб, эзғилаб кўрди. «Роса етилибди!» Кўнгли тўлди, кўзи қувонди, дилида бир соғинчни туйди. Ҳеч бир киши далани деҳқончалик соғина билмас!

* * *

Аёл хамир қорди. Тандирга ўт ёқди. Чўғ яллиғида қўллари куя-куя нон пиширди. Қип-қизил, чиройли ширмой нонлар саватга жойланди. Аёлнинг қизарган юзлари шу нонлардан-да сулувроқ эди!

* * *

Чақалоқ йиғлади. Келинчак уйқули кўзларини ишқаб, бешик тебратди. Бола кўнмади. Келинчак алла айтди. Нозик товушини шамол узоқларга олиб учди. Гўдак ухлади.

* * *

Дераза ойнасини кимдир чертди. Иш тикиб ўтирган қиз чўчиб тушди. Туриб қараса, ҳеч ким йўқ. Дераза рахида бир боғлам бойчечак. Қиз уни олиб, юзларига босди, юзлари ёнди. Ширин энтикди. Чала қолган каштасини тезроқ битказмоққа уринди.

* * *

Оқ рўмолли момо дарвозани катта қилиб очди. Ўзича дуолар ўқиб, тонг фаришталарини чорлади. Дока рўмолини қайта боғлади. Сўнг ҳовучларини бетига тортиб, Янги кунга яхшилик тилади...

* * *

Бу манзаралар кўзимизга, кўнглимизга жуда таниш ва қадрдон. Бу манзаралар худди Наврўз каби юракка яқин. Гоҳо ўйлайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ НАМАНГАН БЎЛИМИ

NBU

яқинлашиб келаётган

Наврўз

умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни табриклайди!

Ташкилот, корхона ва тадбиркорларни банк бўлимимиз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз.

Наманган шаҳрида:	Чуст шаҳрида:	Уйчи туманида:
Нодим Намангоний кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 6-50-30, 6-33-65.	Чустий кўчаси, 23-уй. Телефонлар: 31-422, 31-123.	Уйчи шаҳарчаси, Беруний кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 6-18-41, 21-198.
Учқўрғон шаҳрида:	**Косонсой шаҳрида:**	**Тўрақўрғон туманида:**
Дўстлик кўчаси, 18-уй. Телефонлар: 6-12-54, 21-701.	Абдурахмон Жомий кўчаси, 1-уй. Телефон: 22-986.	Тўрақўрғон шаҳарчаси, Тўрақўрғон кўчаси, 3-уй. Телефон: 22-767.

Жамоамиз барча аъзолари Сизга хизмат кўрсатишдан мамнундирлар!

«КЎМИР» АБ

БАРЧА ШАХТЁРЛАРНИ, КОНЧИЛАРНИ,
КЎП МИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚИНИ
ЁРҚИН БАҲОРИЙ БАЙРАМ

Наврўз

БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ!

*Биз келажакка ишонч билан қараймиз,
зеро тараққиётимизнинг дадил одимлари жамиятимизнинг
гуллаб-яшнаши, фаровонлиги, бахту саодати гаровидир!*

ХОНАДОНИНГИЗГА ИЛИҚЛИК, СОҒЛИК,
МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ,
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

"КЎМИР" АБ, 700011, ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗ-14 МЕВЗЕСИ, 27-УЙ.
Тел.: (3712) 144-55-79, 144-57-05.
Факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.

ALOQABANK

«ALOQABANK»

Ихтисослаштирилган
акционерлик-тижорат банки

жамоаси

шу азиз ва мўътабар
Ватанда истиқомат қилаётган
барча халқлар, миллат ва элатларни
Марказий Осиё халқларининг
азалий урф-одат ва қадриятлари
мужассам бўлган яшариш ва
янгиланиш фасли

Наврўз айёми

билан самимий мубораклаб этади.

Барчага бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

MOTOROLA Компанияси
Ўзбекистон халқини

НАВРЎЗ

билан чин юракдан
табриклайди

MOTOROLA

What you never thought possible™

КАМАЛАК-ТВ-ПЕЙДЖИНГ

«Камалак-ТВ-Пейджинг»

ўзбек-америка
қўшма корхонаси жамоаси

ушбу қувончли баҳор кунларида Ўзбекистон
халқини ва меҳмонларини умумхалқ

Наврўз

Байрами билан қутлайди.

Чин кўнгилдан сизларга
тинчлик ва осойишталик,
сиҳат-саломатлик ва бахт,
муҳаббат ва ҳамжиҳатлик,
ҳар бир оилага қувонч,
тўкин-сочинлик,
гўзал мамлакатимиз
равнақи учун
қилаётган меҳнатингизда
катта муваффақиятлар
тилаймиз!

"Камалак-ТВ-Пейджинг"
қўшма корхонасининг жамоаси.

НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ЖАНУБНИНГ НУРЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

Қорнинг муздек совуғидан зада бўлган Каттақум адирликлари март ойининг ўрталарига келиб Жануб қуёшининг тафтида яшил тусга кириб қолди. Кечагина афғон шамоли изғиринида тўзғиган қумлоқ ўрнида ҳосил бўлган ям-яшил ўтлоқлар кишини ўз бағрига чорлаётгандек туюлди.

Одамлар бутунлай бошқа оламда яшаётгандек ҳис этишади ўзини. Хоҳласанг юрт ҳақида қўшиқ айтасан, истасанг, отга миниб олиб кўпкари чопасан, истасанг...

Қизириқда ҳам бу галги Наврўз байрами ҳар қачонгидан кўра бошқачароқ бўлди.

Минглаб одамлар тўпланган поёнсиз адирлик гўё улкан сайил майдонига айланиб кетди. Ҳаммаёқда яшиллик, яшариш ҳукм сурган.

Ҳу, анави, Ойсоат момонинг қўлидаги чанқовузми, ё? Тавба, худди ўз ёридан айрилган келинчак каби нола қилади. Инсон қўли шунчалик сеҳрли эканлигига ҳайратингиз янада ортади. Наҳотки одам боласи оддий темирга бунчалик жон ато этиб, юракни эзғилайдиган даражада сайратиб юборади-я!..

Чанқовуздан чиққан сеҳрли оҳанг киши юрагида фироқнинг сеҳрли суратини чизгандек, не-не тошюракларни муз каби эритиб юборгудек. Унинг ноласи қулоқларим остида жаранглаган Бойчибори туёғига мих қоқилган Алпомиш дилидан ўтган туғёнли ўйлар, етти йиллик зиндон азобидан зада кўнгиллари ғамга тўлиб алпбаҳодирнинг дашту биёбонда кетаётган ҳолати хотирада жонлангандек бўлди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бунчалик қудратли, сеҳрли оҳанг яна қайси мусиқа асбобидан таралади?

Ойсоат момо кийган нўғойи кавуш, зарли, кашталанган қўйлаклар, тақилган ҳапаматлар, қулоғидаги катта-катта сирғалар бизни қадим Бақтрия аёлининг бундан минг йиллар аввалги турмуш тарзидан огоҳ этмайдими?

— Момо, ёшлигингизда байрамни қандай ўтказар эдингиз?

— Э, болам, нимасини айтасиз, биз тенгилар, айниқса, Наврўз кунларида ўз куёвларини еру-кўкка ишонмай, таърифини келтириб мақташар, ҳалинчаклар учишарди. Мисол учун:

Ҳол-ҳояга тушдим,
Беда пояга тушдим.
Тақдиримдан айланай,
Марду-қояга тушдим,

дея хиргойи қилишарди дугоналарим. Ҳозир ҳам юзлаб халқ қўшиқларини биладиганлар бор. Мана, кўряпсиз,«Кўнғирот» ансамблида қатнашаётган момоларнинг кўпчилиги бир бошидан куйлашяпти. Иккинчидан, бизнинг либосларимиз, тақинчоқларимизга ўхшаганларини бошқа вилоятлардан топа олмайсиз.

— Яна қандай фарқи бор сурхондарёликларнинг?

— Қашқадарё билан Сурхондарё тарафларда Наврўз таомлари ҳам ўзига хос. Умоч ош, атала, талқон, ғилминди. Санайверсам адо бўлмас-ов. Мана, кўряпсиз, ҳамма ёқ ўт-ўлан. Агар исмалоқ, йўнғичқа, шўра, яна бир талай ўтларни майдалаб унга солиб, сув қўшиб қорисангиз кўк патир ҳосил бўлади-қўяди. Наврўз кунлари айниқса Сурхондарёнинг хушбўй талқонини еганлар дармонда, емаганлар армонда.

Наврўз арафасида Термизнинг Афғонистонга туташ адирликларига чиққан минглаб кишиларнинг айримлари қувончдан ўзларича хиргойи қила бошладилар. Севинмай бўладими,бир неча чақирим... ҳа бир неча чақирим олисдаги юртда совуқ қуролларнинг даҳшатли овозлари юракни тилка-пора қилгудек эшитилиб турсаю, Сурхон воҳасидаги кишилар деярли ҳар куни байрамнинг ширин таъмини татиб турсалар! Севинмай бўладими ахир, шундоққина, ёнгинангиздаги қўшни юртда минглаб одамлар кўзи бир умоқ нон топиш илинжида жавдираб турсаю, бизнинг юртда тўкин дастурхон атрофида ўтирган юзлаб кишилар тўрт фаслда етиштирилган турфа нозне ъматлардан баҳра олсалар бундан ортиқ бахтни яна қаердан топиш мумкин? Ангор туманидаги Алишер Навоий номли мактабда бўлганимда сеҳрли шеър янгради:

Ҳамал келди, Наврўз деган фармон келди,
Ҳар вужудга илоҳий нур-дармон келди.

Ёниб-ёниб шеър ўқиган қизчанинг кўнглидан қувонч, юзидан нур ёғилиб турарди. Эҳтимол, унинг қалбидан отилиб чиқаётган бу сатрлар севинчларга лиммо-лим ҳаёт булоғидан лаззатланиш боис дунёга келган ёшлик қўшиғидир?

Кўҳитанг тоғ этакларига чиққан минглаб кишилар шаҳарнинг сершовқин ҳаётига бутунлай қўникиб қолиб, кўп йиллар давомида шундоққина қўл етгудек яқиндаги салобатли тоғлар ўнгирларида дам олишни унутиб юборaёзганликларини ачиниш билан хаёлдан ўтказдилар. Қаранг, инсон боласи техника асрида нуқул шаҳарнинг тор кўчаларию, бир табиатнинг сирли ва сеҳрли жозибасидан баҳра олишни деярли унутиб қўйганлигини кўпинча кеч англар экан...

Ҳатто ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ёшлар ҳам табиат қўйнидан баҳра олиш учун дашту далаларга чиқишган экан.

Термиздан чиқишингиз биланоқ Ал Ҳаким Термизий, Шерободда Абу Исо Термизий мақбаралари олдидан зиёратчилар аримай қолишди. Ўнлаб машиналарда олис вилоятлардан келган юзлаб кишилар байрам кунларида бу қадимий обидаларни зиёрат этиб, тиловат қилишни инсоний бурч деб билдилар.

Бошқалар орзу, ҳавас қилса арзийди. Ахир, кўнгилга қўшиқ айтиш ва тинглаш сиққан халққа ҳавас қилаётганлар оз эмас.

Жовли ХУШБОҚОВ

ҚУТЛУҒ КУН МАДҲИ

ЕР ЮЗИНИ ТИТРАТДИ

Самоларда чарх урган
қалдирғочлар парвози,
Ер юзини титратди
Истиқлолим овози
Жаранглади қўлларда
Ўзбекнинг тори-сози,
Мангуликка айланди бу
юртнинг баҳор-ёзи
Аламларни, ғамларни
ўчириб кел, Наврўзим.
Юраклардан ситамни
учириб кел, Наврўзим.
Шукр,шукр, минг шукр,
ўзбегим озод бўлди,
Якто бўлди жаҳонда ҳар
ёни обод бўлди,
Галамис, шум ниятли
ўзгалар барбод бўлди,
Йўлидан адашганга бир
сирли сабоқ бўлди
Дастурхонга тўкинлик, барака бер,
Наврўзим,
Аҳиллик пойдеворин
мустаҳкамла, Наврўзим.
Осиёда ўзбек-у, тожик,
қозоқ бир бўлсин,
Туркман билан қирғизнинг
аҳиллиги зўр бўлсин,
Бизни кўра билмаган
ғанимлар-чи кўр бўлсин,
Меҳмонларинг иззатли
жойи доим тўр бўлсин
Истиқлол нашъасини
топиб кўргин, Наврўзим.
Шодмонлигу шодликка
ботиб келгин, Наврўзим.

Раҳмон АСАДОВ,
Навоий вилояти, Нурота тумани 6-мактаб ўқитувчиси.

СЕПИН ЁЗИБ НАВБАҲОР

Наврўз элдан бошланар,
Наврўз дилдан бошланар,
Наврўз гулдан бошланар,
Сепин ёзиб навбаҳор,
Келин бўлар гулдиёр.

Тоғлар қори ялт этар,
Ерга илиқ тафт ўтар,
Қуёш бахтни аҳд этар,
Сепин ёзиб навбаҳор,
Келин бўлар гулдиёр.

Баҳор кулар ўлкамда,
Бинафшалар чаккамда,
Замин меҳри елкамда,
Сепин ёзиб навбаҳор,
Келин бўлар гулдиёр.

НАЗАРМАТ.

ДИЛНОМА

БИР МЕН ДЕДИМ, БИР СИЗ ДЕДИНГИЗ...

Ҳеч ким сумалакни мендек севмас. Балки ҳеч ким мендек ўша кунни кутмас. Яна ким билади? Ҳамманинг ҳам кўнглидан ўтганини ўша инсон бўлиб тушунишга қурбим етмас.

Хуш келдинг-ей, ёқимли кунларим. Ҳавонинг ёқимлилигини айтинг.

Деҳқонбобо, далага теккан изларингиз қутлуғ бўлсин. Ҳосилингизга барака берсин — эккан уруғингизга айтилажак сўз шуда. Наврўздан сўнг бошланиб кетадиган ташвишларингизни хуш кўриб ўтирибсизми? Оғринмаслигингиз аниқ — ризқ-рўзнинг бошланиш кунлари етиб келди.

Ҳай-ҳай, қизалоғим кўйлагинг бунчалар чиройли — Наврўзойнинг совғасими бу! Дадажонинг ёки ойижонингнинг йил бошидаги туҳфасими ё! Қишлоқ келинлари, сигирингиз сути кўпайиб қолганини сезяпсизми? Насибангизда буям. Куви пишган кўлларингиз толса-да, оғринмаслигингизга сабаб борлигини айтиш шарт эмасдир-ов.

Мазза, тўйлар бошланиб кетади энди. Таомлар тури кўпаяди энди. Ҳар бир уй бекасининг пазандалигига имкон туғиладиган фасл келди. Келинжон, хамирингиз кўзгуга ўхшайди-ей, юпқалигидан. Бунча моҳирлик, чаққонлик ва қўли ширинлилик онангиздан юққанлиги рост. Ёнингиздаги қизалоқ вақти келганда сиздан-да суюкли бека бўлишига ишонгим бор. Вой-бў, мана бу дастурхондаги нозунеъматларнинг ҳаммаси Наврўз таомларими? Шошманг, саноқдан адашиб кетмасимдан баъзиларининг номини ёзиб олайин. Ўт бичак, сумалак, ҳалим, кўк чучвара, кўк сомса, манти, шавлага ҳам солдингизми эринмайин.

Юртимизда ҳамма хонанда, ҳамма раққоса, ҳамманинг бир ҳунари борлигини кўринг. Байрамларда, булар яна-да аниқроқ сезилади-да. Ана, ҳатто қўшиқ айтишга ҳам навбат кутганлар қанча. Кўнгли тинчларгина қўшиқни тинглайдилар, кўнгли тоғларгина рақса тушадилар. Ҳаракатларни кузатингда бир мартагина. Бир ҳикоями, бир шеърними тинглагандай бўлаверасиз. Хушкўнгилга шўх оҳанг эшдир. Байрам фурсатида қобилиятингни намойиш этишга имкон туғилибдими, қаддингни ургин.

— Регистонни бунчалар чиройли десанг — камми?. Байрамда қайтадан юз очганда — янги тушган келиндай. Ахир ҳар йили Наврўз байрамида Регистоннинг туғилган куни бўлади-да. Нишонлашга келганлар — унинг меҳмонлари. Меҳмонлари ўша куни тун билан куннинг тенглашишини Регистондаги миноралар мисолида кўрадилар. Хаёлларида жонлантирадилар бу муқаддас обидаларни.

Қизиқ, ҳар гал Регистоннинг туғилган кунида мезбонлар бир хил-да. Шаҳар ҳокимиятидагилар. Уларнинг чарчамаганликларини айтинг. Ахир қай мезбон чарчадим дея олади.

Дошқозонга қучоғим сиғса эди, унинг пешонасидан ўпиб олардим. Тавоб этардим. Ахир йил бўйи орзиқиб кутганимиз — йил сумалаги қайнамоқда — мингларнинг оғзи тегадиган таом. Болалик хотиралари, ўсмирликнинг унутилмас кунлари, кексаликнинг айтиб чарчамайдиган лаҳзалари — ҳаммасига гувоҳ сумалак.

Тунов куни олиб кўрдим — сумалакнинг тошларини йиғишни яхши кўраман. Санамоқчи эдим, холам қойиб бердилар. «Санамагин, қанча кўп бўлса, суюнгил болам». Ўша тошларчалик чиройли, ранги тиниқ тошларни ҳатто булоқ сувининг тубида ҳам кўрмаган бўлсам керак. Ғуборларни ўзига тортиб олган сумалак балки...

Қўллар дуога очилишдан чарчамайдиган кун бу, балки кўз ёшлар ҳам энг кўп оқадиган кундир бу. Ахир беморларнинг қаршисида сиз, ногиронларнинг кўнглини кўтарган сиз, кексаларнинг ажинли юзларини силашга имкон бу кун. Ҳайитликларни келин-куёв уйлари орасида ташиган, буни энг савобли ва хайрли юмуш деб билган қизалоқ, оёқларинг тагида гуллар очилсин-да, ушбу гулларни ўша келин-куёвга тақдим этиш насиб этсин.

Жиянларимнинг кулгуларида, қўшниларимизнинг табрикларида, ҳамкасбу танишларнинг, дўсту ёронларнинг тилидаги, дилидаги яхши ниятлар-а, истаклар-а, сизларга йўлдош бўлсин, мени севгувчи диллар.

Янги кунингизни хуш кўришни яхшилардан ўргандик. Янаги йилнинг худди шу куни, худди мана шу сўзларни айтиш ҳаммамизга насиб бўлишини исташлигимни, қанчалик исташлигимни ёлғиз менгина эмас, ҳамма билади.

Гули ЧЕҲРА битди.

ЎТМИШДАН ХАБАРЛАР

ЭНГ САОДАТЛИ СОАТЛАР

Кун ҳамалга кирди эрса,
келди олам Наврўзи, —

деб ёзади шоир, муаррих, қиссанавис Носириддин Рабғузий. Кун (офтоб, қуёш)нинг ҳамалга кириши — ЙИЛБОШИ — НАВРЎЗ — ЯНГИ КУН салкам 5000 йилдирки халқимиз томонидан нишонланиб келинмоқда.

* * *

5000 йил муқаддам мисрликлар Сириус юлдузи ғарбга ботиб, шарқ томонда биринчи бор кўринишини — Янги йилнинг бошланиши сифатида қабул қилишган; кузатувлар натижасида оралиқ вақт — 1 йил — 365 кундан бироз ортиқлиги уларга маълум бўлган.

* * *

Айни вақтда Эрон ва Ўрта Осиёда ҳам (мисрликлардан мустақил ҳолда) Ернинг Қуёш атрофида айланиб чиқиши — 365 кун 5 соат 48 минут 46 секундга тенглиги, айни шу лаҳзада кеча ва кундуз баробарлиги аниқланиб, у янги кун Наврўз — Йилбоши сифатида юритила бошлаган.

* * *

Қуръони Каримда «Буруж» сураси бор. У «Буржга қасамки...» деб бошланади. Ўн икки бурж эклиптика (осмон сферасининг катта доираси, 360 градусга тенг) чизиғи бўйлаб бир хил — 30 градусга тенг оралиқни эгаллаган. Қуёш баҳорги тенгкунликда ҳамал буржида бўлади. Йигирма биринчи мартда Қуёш нурлари Ер экваторига тик тушади ва бу вақтда кеча билан кундуз узунлиги ҳар иккала ярим шарда ҳам бир хил, яъни бир-бирига тенг бўлади. Ғўёки шу кундан бошлаб, Қуёш биз томонга (шимолий ярим шарга) ўтган бўлади. Шу вақт Наврўз деб белгиланди.

* * *

Фирдавсий дейдики: Ҳамал буржига кириб қолганда офтоб йил боши Ҳурмузу эди Фарвардин.

Умар Хайём дейдики: «Жамшид шу кунни (фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни «янги йил деб ҳисоблашни буюрди».

* * *

Абу Райҳон Беруний дейдики: «Фарвардин ойининг биринчи куни Наврўздир. Наврўз — янги йилнинг (йилбошининг) биринчи куни бўлиб, «у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда (шаҳват) қўзғалишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Ўрол Ўзбек тайёрлади.

Қутлуғ байрам шарафига бағишланган саҳифаларни Норқобил Жалил, Юсуф Ҳамидов, Аброр Ориповлар тайёрлашди.

СЕМИНАР САЙЛГА АЙЛАНДИ

Наврўз қанчалар буюк маънавий қадрият экани Жиззах вилоятининг Арнасой туманида бўлиб ўтган кўргазмали семинарда ёрқин намоён бўлди. Бу тадбирда тумандаги барча хўжаликлар, ташкилотлар, мактаблар, билим юртлари миллий ҳунармандчилик, халқ ижодиёти бўйича кўргазмали намойишлари билан иштирок этдилар.

Шу куни туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган маънавият ва маърифат ишлари бўйича намунавий услубий тажриба алмашиш марказининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Туман ҳокими Раҳим Есенқулов маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, намунавий услубий тажриба алмашиш марказини адабиётлар ва бошқа керакли ашёлар билан таъминлаш учун маблағ ажратишни ўз зиммасига олди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов сўзга чиқиб Арнасой тажрибасини мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва туманларига тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Арнасой тумани бўлими раҳбари З. Қамбаралиевга «Тико» енгил автомашинаси совға қилди.

Кўргазмали семинар Наврўз сайлига айланиб кетди. Қатнашчилар янги келин-куёвларни қутладилар. Дошқозонларда сумалаклар қайнади.

Зиёда ГАФФОРОВА.

Shoshtrans

«ШОШТРАНС»
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ўзбекистон халқини
гўзал баҳор ва яшариш байрами —
Наврўз
билан муборакбод этади,
ҳамда барчага бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик, омад тилайди.
"ШОШТРАНС" акционерлик жамияти бошқаруви..

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 20.50 1 2 3 4 5 6